

АДВОКАТУРАНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРИ

Хасанова Зебинисо Ботировна¹

Аннотация: мазкур тезисда Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг бугунги ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, унда замонавий адвокатура институтини янада тубдан такомиллаштириш юзасидан олиб борилган чораларга қарамай, бир қатор муаммо ва камчиликлар тўғрисида сўз юритилган, хусусан, адвокатлик фаолиятига солиқ солиш билан боғлиқ муаммо ёритилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти институтлари, адвокатура, адвокатлик фаолияти, адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюроси, юридик шахс мақоми.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамияти қуриш сари илдам қадам ташлаб бораётган давлатлардан бири. Фуқаролик жамияти муайян ҳудудда яшовчи, эркин ва озод кишилардан иборат аҳоли, миллат ва халқнинг яшаш тарзини англатади. Фуқаролик жамияти демократияга асосланган давлатчилик шароитида шаклланадиган ва ривожланадиган ижтимоий муҳитдир.

Фуқаролик жамияти институтлари деганда кўнгилли равишда тузилган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қиладиган нодавлат типдаги тузилмаларнинг фаолияти тушунилади. Буларга бирлашмалар, ташкилотлар, ассоциациялар, уюшмалар, марказлар, клублар, жамғармалар ва бошқа шу каби ташкилотлар киради. Хусусан, адвокатура институти ҳам айнан улар қаторидан ўрин олувчи ташкилот саналади.

Мустақилликка эришилганидан сўнг суд-ҳуқуқ тизимдан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида адвокатура институтининг ҳам нуфузи бир мунча ошди, десак янглишмаган бўламиз. Бироқ шу ўттиз тўрт йил мобайнида қилинган ўзгартиришларга қарамасдан, адвокатуранинг чинакам мустақиллиги таъминланмади.

Адвокатура институтининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, замонавий, самарали ва сифатли фаолият юритувчи суд-ҳуқуқ тизимини яратишга ва адвокатура институтини янада тубдан такомиллаштириш юзасидан муваффақиятли давлат сиёсатини олиб боришга бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

- адвокатуранинг чинакам институционал мустақиллиги таъминланмаганлиги;
- давлат ҳисобидан адвокат тайинлаш бўйича мавжуд амалиётнинг халқаро стандартларга номувофиқлиги;
- маҳаллий ҳокимият органлари томонидан адвокатуранинг фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарурий бинолар билан таъминлашни назарда тутувчи қонун нормаларини ижро этмаётганлиги;

¹ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти Бухоро шаҳар “Lawyer Ezo Binis” адвокатлик бюроси адвокати



Impact Factor: 9.9**ISSN-L: 2544-980X**

➤ адвокатлик фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги тизими адвокатура институтини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлиги ҳамда уни янада такомиллаштиришнинг талаб этилаётганлиги.

Юқорида қайд этилган муаммолар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга ва натижада одамлар ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишга имкон бермайди.

Юқоридаги муаммолар ичидан сўнггисига эътиборимизни қаратамиз, яъни адвокатлик фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги тизими адвокатура институтини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлиги ҳамда уни янада такомиллаштиришнинг талаб этилаётганлиги масаладир. Солиқ кодексининг 477-478-моддаларида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар даромадларини солиққа тортиш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.

Хусусан, Солиқ кодексининг 477-моддаси “Адвокатларга солиқ солиш” деб номланган бўлсада, ушбу моддада адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюрolari томонидан тўланадиган уч турдаги солиқлар ўз ифодасини топган. Гарчи адвокатлик тузилмалари юридик шахс мақомига эга бўлса-да, улар айнан юридик шахс сифатида бирор ҳаракатни амалга оширмайди. Фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш бевосита адвокатлар томонидан амалга оширилади.

2020 йилда regulation.gov.uz сайти орқали муҳокамага қўйилган, бироқ ҳозирги кунга қадар норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида чиқмаган “**Адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мақомини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида ушбу масала ўз ифодасини топган бўлиб, адвокатурага ёш кадрлар оқимини кўпайтириш мақсадида адвокатларнинг ижтимоий ва мулкӣ ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни амалга ошириш бўйича қуйидаги бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилган бўлиб, шулардан бири адвокатлик фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш ва адвокатлик касбига қизиқишни кучайтиришни рағбатлантириш, бунда солиққа тортиш объекти бўлиб адвокатнинг даромади ҳисобланишини, адвокатлик тузилмалари эса солиққа тортилмаслигини қонунда мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, адвокатлар учун даромадларидан ҳам 12 фоиз даромад солиғи, ҳам 12 фоиз ижтимоий солиқ ушлаб қолиниши уларга нисбатан молиявий қийинчилик туғдиради. Бу ўз навбатида юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган ҳақнинг миқдори қимматлашишига сабаб бўлади.

Ижтимоий солиқ тўғрисида тўхталадиган бўлсак, адвокатлик тузилмаси томонидан адвокатга ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 12 фоизи миқдорида тўланадиган солиқ тури ҳисобланади.. энди шу ўринда бир мулоҳаза қилиш лозим бўлган фактларга эътибор қаратсак. Ижтимоий солиқ (илгари ягона ижтимоий тўлов дейилган) иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатларидир. Адвокатлик тузилмалари ҳисобланган адвокатлик фирмалари адвокатларнинг шерикчиликка асосланган, адвокатлар ҳайъатлари эса аъзоликка асосланган тузилмасидир. Адвокатлик бюроси эса адвокат томонидан яқка тартибда ташкил этиладиган тузилмасидир. Адвокатлар ўртасида иш берувчи ва ходим муносабатлари эмас, аксинча, тенглик ҳуқуқи асосида шериклик ёки аъзолик муносабати қарор топади. Демак, бу ўз-ўзидан ижтимоий солиқнинг тўланиши мантиқсизлик эканлигидан далолатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, адвокатура институти даромад топишга қаратилган тадбиркорлик субъекти эмас. Жисмоний ва юридик шахсларга сифатли юридик ёрдам кўрсатишда адвокат томонидан қабул қилинган гонорар ўта муҳим. Ўз навбатида адвокатлик



Impact Factor: 9.9**ISSN-L: 2544-980X**

тузилмалари томонидан тўланадиган ижтимоий солиқни бекор қилиниши, айрим адвокатларнинг ўз даромадларини яширмай, тўлиқлигича тузилманинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан, адвокатларга енгиллик берилишида давлат ташаббускор бўлиши ва 2020 йилда кенг омма муҳокамасига чиқарилган “Адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мақомини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг солиқ сиёсатига оид бандлари қонунчиликка тез фурсатда киришига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Левадная Т.Ю., О налогообложении адвокатов. <http://www.nalvest.ru>
2. Максим Юзвак. Налогообложение деятельности адвокатов, судей, управляющих и других юристов. // <https://zakon.ru/blog>
3. Константин Сасов. Адвокат АБ «Пепеляев Групп», канд. юрид. Наук. Налоговые споры адвокатов и адвокатских образований. // 1 августа 2019 г.
4. <http://paruz.uz>
5. <https://www.lex.uz>

